# Тошкент оқшоми

2019 йил 12 декабрь, пайшанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 194 (14.041)

Баҳоси эркин нархда


# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш мақсади ҳам белгиланган. Шунга мувофиқ, жорий йил 14 январда Президентимизнинг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ўтган қарийб бир йил мобайнида корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини самарали бошқариш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 2819 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишлагани сабабли ҳатто дивиденд тўлай олмайди.

Президент бу ҳолатни жиддий танқид қилди.

– Давлат иштирокини ҳеч зарурат бўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, йиғилишда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Аввало, бундай корхоналарни ислоҳ қилиш ёки тугатиш, сақлаш ёки хусусий секторга бериш масаласини ўрганиш бўйича Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари бошчилигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида 140 та корхона, ҳудудлардаги коммунал, қурилиш ва хизмат кўрсатиш субъектларига тегишли 1573 та, геология, металлургия, молия ташкилотлари бўйича 137 та, енгил саноат, машинасозлик ва электротехника тармоқларида 49 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика йўналишларида 449 та, кимё, нефть-газ, энергетика соҳаларида 42 та, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида 330 та, саноат зоналарида 99 та корхона бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг ҳар бирига молия вазири ўринбосарлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корхонани тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Кўплаб компаниялар молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга мазкур компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш, базавий соҳалардаги 32 та йирик корхонани ислоҳ қилишни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари – KPI (Key Performance Indicators) ҳар бир корхонада ишлаб чиқилиши ва мунтазам назорат қилиниши лозимлиги таъкидланди. Давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Транспорт вазирлигида Лойиҳа офиси тузиб, ушбу соҳадаги корхоналарга хусусий секторни жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусийлаштиришга оид ёндашувларни тубдан янгилаш, халқаро экспертларни жалб этиб, бу борада бозор иқтисодиётига хос ва мос тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарларини шу борада ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

## САЙЛОВ – 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси номидан "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш йўлида биз билан бирга бўлинг!", "Сайловчиларнинг ишончини албатта оқлаймиз" ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан "Ўзбекистон Халқ демократик партияси доимо сиз билан бирга!" сарлавҳали мақолалар эълон қилинмоқда.**

*3-саҳифага қаранг*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг 27 йиллигига бағишланган асосий байрам тадбири Жиззах вилоят марказидаги яқиндагина қайта реконструкция ишлари тугалланган Мустақиллик майдонида – юксакларда мағрур ҳилпираб турган Ватанимиз байроғи қаршисида ўтказилди. Байрам руҳига монанд безатилган майдонда Ватанимиз мадҳияси янгради. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талабалар, ўқувчи-ёшлар Қуролли Кучлар, Миллий гвардия ҳарбий оркестрлари, бадиий жамоалари биргаликда миллий мадҳиямизни куйлади. Давлатимиз мадҳиясига бағишланган тадбир санъаткорларнинг концерт дастурлари, шоир ва ёзувчиларнинг юрт мадҳи, тинчлик ва осойишталикни улуғловчи куй-қўшиқлари билан халқ сайлига айланди.**

**● Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Гулзор" маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги бинода фуқаролар йиғини ходимларининг самарали фаолият юритиши, шунингдек, бу ерга келадиган ҳар бир фуқаро учун барча зарур шароит ва қулайлик яратилди. Янги бинонинг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги тантаналарига уланиб кетди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сурхондарё академик лицейида ички ишлар органларининг сафдорлик ҳамда сержантлик лавозимидан офицерлик лавозимига тайинланган ходимлари учун махсус сайёр ўқув йиғини бошланди. Махсус сайёр ўқув йиғини доирасида профессор-ўқитувчилар ҳудудий ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман ва шаҳар кенгашлари, таълим муассасалари ҳамкорлигида маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида "Коррупция – тараққиёт кушандаси" мавзуида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириб, фаол ўғил-қизларга китоблар совға қилади.**

### ЖАҲОНДА

**● Антарктидадаги Хат-Пойнт яриморолидан ичида қизил пиёзи бўлган ва тахминан юз йилдан ортиқ вақт давомида сақланиб келаётган қоп топилди. Бу ҳақда Антарктика мероси фонди (Antarctic Heritage Trust) ташкилоти ўз Facebook саҳифасида хабар қилди. Топилма 1902 йилда британиялик қутб тадқиқотчиси Роберт Скотт томонидан қурилган "Discovery" (Кашфиёт) кулбасидан топилган. Мутахассислар мавсумий мониторинг дастури доирасида ушбу пиёзларни ўрганишди. Таъкидланишича, пиёзлар эскирмаган ва улардан бирон бир моғор изи топилмаган.**

**● Судан пойтахтидаги заводларнинг бирида газ сизиб чиқиши орқали келиб чиққан портлаш натижасида 23 киши ҳалок бўлди, 100 га яқин одам жароҳатланди ва зудлик билан касалхоналарга ётқизилди. Улардан кўпчилиги оғир аҳволда. Портлашдан сўнг рўй берган ёнғин натижасида завод бутунлай вайрон бўлди.**

Муносабат

# КОНСТИТУЦИЯ – МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИДИР

***Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт тармоқларида эришилган барча ютуқ ва марралар, унинг тизимли суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш кудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ҳамда нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида ҳаётимизда, биз эришган барча ютуқларда Асосий қонунимизнинг ўрни беқиёс экани барчамизга яхши маълум.***

Айнан Бош қомусимиз бугунги кунда юртимизда кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, сиёсий жиҳатдан қурилишининг асосий томонларини тартибга солиш бўйича тамоман янгича ёндашувни белгилаб берган Конституциямизнинг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", деб аниқ белгиланган.

Шунингдек, Конституциянинг 36-моддасида "ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" экани қатъий белгиланиб, шахсларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи конституциявий норма даражасига кўтарилди ҳамда муҳим иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилди. Бошқача айтганда, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ҳамда давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман олганда, жамият ҳаётининг барча жабҳасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни мулксиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларсиз ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

*(Давоми 2-бетда)*

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



# ТОШКЕНТДА ЭРОН МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

***Пойтахтимизда ташкил этиладиган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Эрон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси доирасида ўтказилаётган ихтисослашган кўргазмада Эрон Ислом Республикасининг 30 га яқин йирик компаниялари таркибига кирувчи 100 дан зиёд бизнес субъектлари вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.***

Мамлакатимизнинг янгиланган ташқи сиёсати доирасида Ўзбекистон – Эрон муносабатларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг натижасида ўзаро алоқаларда барқарор ривожланиш кузатилмоқда. Жорий йилда икки томонлама савдо айланмаси ҳажми ўтган йилга нисбатан 132,9 фоизга ортгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Эрон маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг ихтисослашган кўргазмаси очилишида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири ўринбосари Фурқат Раҳимов, Эрон Ислом Республикасининг саноат, конлар ва савдо вазири ўринбосари, Эрон экспортни ривожлантириш ташкилоти раиси Ҳамид Зодбум сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги дўстона алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу эса ҳамкорликни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва уни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу анжуман эронлик тадбиркорларнинг Ўзбекистон бозорига, шунингдек, икки халқнинг ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенг йўлга қўйишга бўлган қизиқиши, интилиши натижаси ўлароқ ташкил этилди.

– Давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда ривожланиб бораётган алоқалар бугунги учрашувларни ташкил этишга замин яратди, – дейди Ҳамид Зодбум. – Бундай кўргазмалар ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги ташрифимиз доирасида режалаштирилган тадбирлардан катта натижалар кутаяпмиз. Барча учрашувлар ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ишбилармонларни Эронда кўргазма ташкил этишга таклиф этиб қоламиз.

Кўргазмада нефть-газ, энергетика, экология, кончилик, хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган "Эроннинг саноат лойиҳаларини бошқариш" компанияси, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган "Эрон саноатни ривожлантириш ва янгилаш ташкилоти", шунингдек, тўқимачиликка ихтисослашган, нефть ва газ корхоналари учун қувурлар, цемент, оғир ва махсус пўлат профиллар, йўл-қурилиш ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар, асфальт ва бетон заводлари ўз маҳсулотлари билан қатнашаяпти.

Кўргазма якунида имзоланадиган келишув ва шартномалар Ўзбекистон – Эрон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаб, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бизнес муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилади.

**Файрат ХОННАЗАРОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси 2019 йил 14 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 13 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Сайлов – 2019**

# САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА, ЯНГИЧА РУҲДА ЎТАДИ

***Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар ўтказилиши арафасида, мунтазамлик тамойилига асосланиб ўтказиладиган сайловларнинг аҳамияти шундаки, бу жараёнда одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфият яққол намоён бўлади.***

Таъкидлаш жоизки, сайлов тизими ҳар бир демократик давлат фаолият кўрсатишининг муҳим ва узвий элементидир. Юртимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ республика фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи овоз бериш ҳуқуқига эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Сайлов тизими жаҳон мамлакатлари тажрибасида мажоритар, пропорционал ва аралаш тизимга бўлинади. Мажоритар сайлов тизими Ҳиндистон, Буюк Британия, АҚШ, Мексика каби давлатларда мавжуд. Пропорционал сайлов тизими Испания, Польша, Австрия, Дания каби мамлакатларда қўлланади. Аралаш сайлов тизимини Германия Бундестагига бўлиб ўтадиган сайловда кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда сайлов ўтказишнинг шаклланган сиёсий анъаналари, амалиёти ҳамда ўзига хос жиҳатларини, аҳолининг сиёсий тайёргарлик даражаси ва менталитетни ҳисобга олиб, парламентимизга бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунларни мажоритар тизим асосида ишлаб чиқиш лозим деб топилди.

Қайд этиш жоизки, Сайлов кодекснинг қабул қилиниши ҳам мамлакатимиз айнан мазкур талабни оғишмай, изчиллик билан бажарганидан далолатдир. Маълумотларга кўра, 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фуқаролар томонидан 150 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайланади. Шунингдек, 831 нафар вилоят ва Жўқорғи Кенгес депутати ҳамда 5 минг 738 нафар шаҳар ва туман депутати фуқаролар томонидан сайланади. Ўзбекистон бўйича жами 6 минг 719 нафар депутат ўз фаолиятини бошлайди.

Шундай қилиб, сайлов тизими, бир томондан, давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг иштирокини таъминласа, иккинчи томондан уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги ғоя, орзу ва интилишлари рўёбга чиқишига кўмаклашади. Шу жиҳатдан сайлов ҳуқуқини амалга ошириш кенг маънода инсон манфаатлари учун, қолаверса, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш учун хизмат қилади.

**Муборакхон ТОЖИЕВА,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**Муносабат**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЎЛГАН ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

***Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 7 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Бош Қомусимиз халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлардан эканлигини таъкидлаш баробарида, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.***

Кенг кўламли ислоҳотлар доирасида Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари бутунлай янгитдан ташкил этилганлиги, уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилганлиги бу йўлда муҳим қадам бўлганлиги ҳам қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишга, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришда хизмат қилаётир.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлишига алоҳида урғу берди. Айниқса, Президентимизнинг “Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволини ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта аёлларимиз эмасми?” деган чуқур маъноли сўзлари юртимиз хотин-қизларига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг муҳимлигини яна бир бор исботлаб берди.

Аслида қулоққа оддийгина эшитиладиган бу сўз замирида чуқур мушоҳада ва теран тафаккур мужассам. Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш билан бирга халқ билан давлат ўртасидаги ишонч кўпригини мустаҳкам ўрнатиб бормоқдалар. Барчамизни, ҳар бир соҳа вакилларини ва мутасаддиларини миллий тараққиёт манфаатларини бутун вужудимиз, онгу шууримиз билан ҳимоя қилишга, ёмон кўзлардан, ғаразли ниятлардан асраб-авайлашга даъват этмоқдалар.

Айниқса, Юртбошимизнинг 2019 йил 21 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида “Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт” ёхуд “Агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади” деган сўзлари жамиятимиз устуни бўлмиш хотин-қизларни янада руҳлантириб, ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг изчиллик билан амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда муҳим эканлигини ҳам баён этдилар.

Бинобарин, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга давлат ҳамжамияти, жумладан БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда. Ўтган қисқа даврда бу борада қабул қилинган Президентимизнинг 2 та Фармони, 2 та Қарори, ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши айнан хотин-қизларнинг жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, уларнинг нуфузини янада юксалтиришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

Бугун аёлга, онага, айниқса, қиз болага бизнинг муносабатимиз, жавобгарлигимиз ошаяпти. Халқимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб бориш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижада ҳар бир оилага ташриф буюрилиб, ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, аёлларимизнинг ҳуқуқий билими, иқтисодий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда давлатимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган амалий тадбирлар кўплаб оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини жойлардаги учрашувларда аёлларнинг кайфиятини кўриб, гувоҳи бўлаяпмиз. Зеро, уларнинг кайфияти оила ҳамда жамият муҳитига чамбарчас боғлиқ.

Умуман айтганда, мамлакатимиздаги ҳар бир аёл, қайси касбда фаолият юритишидан қатъи назар, энг аввало, оналик меҳри, ҳаётий билими ҳамда тажрибаси билан фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асраш, уларни мустаҳкам иродали, интеллектуал салоҳиятли, ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ўзларини масъул, деб ҳисоблайдилар.

Давлатимиз раҳбари Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида асосий эътиборни халқ ва ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатга қаратиш билан бирга хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда биз аёлларнинг ўрни ва таъсири бениҳоя катта эканлигини уқтирди. “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ва “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келганлиги ҳақидаги фикрлари ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг нутқини тинглар эканмиз аёлларни эъзозлаш, жамиятнинг бош бўғини — оилани ривожлантириш фақат шиорлару ҳисоботларда эмас, балки реал ҳаётда тасдиғини топиши учун аниқ мақсад ва вазифалар қамраб олинганини яна бир карра юракдан ўтказдик. Бугун юртимизда жамики опа-сингилларимиз ўз турмушидан, оила ва жамиятдаги мавқеидан мамнун, дейишимиз жуда қийин. Акс ҳолда ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қийналган, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга қўл урган, оилавий низолардан азият чеккан, боши берк кўчага кириб қолган, ҳатто ўз жонига қасд қилишгача борган аёллар учрамас эди. Президентимиз ана шундай оғир вазиятларга тушган хотин-қизларни, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш ва манзилли қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш, оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни кўриш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини кучайтириш масалаларини илгари сурган.

Аёл жамиятнинг жон томири, хонадонларимизнинг файзу фариштаси, чароғбонидир. Унинг оилада ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитини сақлашдаги, фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси беқиёс.

Шу маънода, бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш, қисқача айтганда, опа-сингилларимизни жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида Президентимиз ҳимоячимиз ва қалқонимиз бўлиб турибди. Бу эса бизга янада куч ва рағбат бағишлайди.

**Дилбар НАЖМУТДИНОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси**

# КОНСТИТУЦИЯ – МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КАФОЛАТИДИР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Муҳтарам Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилгани, хусусан, ҳокимларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилиши тўғрисида ва ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилингани тўғрисида айтиб ўтдилар.

Эндиликда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш кераклиги ҳам таъкидланди.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун барча жабҳада конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарурлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлашимиз лозимлиги ҳам қайд этилди.

Албатта, бу борада Асосий қонунимиз ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишида, кўзланган мақсадга эришиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида мужассамлантириб, жамиятимиз ҳаётининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб қолаверади.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

***Юртимизда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бундан ташқари, республикамизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ва қабул қилинаётган ушбу қонун ҳужжатлари асосида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни жадал ривожлантириш ва бу йўлдаги турли тўсиқларни бартараф этиш соҳасида илғор ҳуқуқий база яратилиб, бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам изчил равишда давом эттирилмоқда.

Ушбу мақсадда муқобил текширувлар ва молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро микёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркор нималарни билиши керак? Тадбиркорлик фаолиятини қандай амалга оширишни, қайси шароитда амалий ҳаракат қилиш, учрайдиган тўсиқларни ҳал қилиш йўллари ва қандай ютуқларга эришишини, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳамда маҳсулотни сотишни билиши лозим. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган ҳар қандай нарсани баҳолаши ва тўғри йўл танлай олиши зарур. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун етарлича қонунчилик базаси шакллантирилди ва тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбиркорлик – бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорлар ёки улар вакилларининг онгли, мақсадли иқтисодий фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июнда “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2018 йил 27 июлда эса “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Бу билан юртимизда тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилишига янада катта эътибор қаратилди.

Юқоридаги Фармонлар билан назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишиш ва вакилни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар турларига ажратилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий эканлиги, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этиш ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, белгиланган нормаларнинг тўлақонли ишлаши келгусида тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаш ҳамда улар олдидаги турли тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Сардорбек АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони етакчи инспектори**

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллиги муносабати билан “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Бу ҳужжат кўплаб оилаларга қўшалоқ байрам шукуҳини улашди.***

# ОЗОДЛИК ШУКУҲИДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ...

Дарҳақиқат, адашиб ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қайтариш ўзини инсонпарвар давлат, деб биладиган ҳар қандай мамлакат олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Президентимизнинг фармонига мувофиқ, жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 фуқаро афв этилди, улардан 20 нафари жазодан тўлиқ озод этилади, 37 нафари шартли равишда муддатидан аввал озод этилади, яна 16 нафар шахсга нисбатан белгиланган жазо енгилроғига алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, жазони ижро этиш муассасаларидан ҳамда пробация хизмати органлари ҳисобидан чиқариладиган фуқаролар сони 73 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари, яна 19 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш кўринишида белгиланган жазо қисқартирилади.

Мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилинган афв этиш институти том маънодаги инсонпарварлик ифодаси бўлиб, моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Бугун афв этилган юртдошларимиз ушбу тамойилларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Жазодан озод қилинган ёки муддати қисқартирилганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз маҳалладошларимиз. Албатта, уларнинг ҳам уйда интиқ кутаётган ота-онаси, акаси, синглиси, ёру биродари, фарзандлари бор. Жазони ижро этиш муассасаларида ўтадиган бир йил, ҳатто бир кун, бир соат нафақат маҳкумларнинг ўзи, балки оила аъзолари учун ҳам оғир кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишига кўмак бериш бўйича маҳаллаларимиз олдида катта вазифа турибди. Азалдан йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, эгри йўлга қадам босганларни жамоатчилик орқали тарбиялашдек ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни бағрикенглик ва адолат билан уддалаб келаётган фуқаролар йиғинлари афв этилган кишиларга ҳам ўз бағрини очади, чин дилдан кўмаклашади, албатта.

Қабул қилинган фармон асосида кўплаб одамлар озодликка чиқади, кўпларининг жазоси енгиллаштирилмоқда. Бу эса юзлаб оилаларнинг хурсандчилиги дегани. Ахир оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукуҳидан ортиқ бахт борми, дунёда.

Албатта, афв этилганларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш олдимизда турган галдаги долзарб вазифалардан саналади. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкор ташкилотлар – “Нуроний” жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази янада фаоллик кўрсатади. Зеро, ушбу юртдошларимизнинг жамиятда ўрнини топиши, маҳалла-кўйга қўшилиши, зарур меҳнат ва яшаш шароитига эга бўлиши, умуман олганда, соғлом турмуш тарзига қайтиб, бошқа адашмаслиги барчамизга боғлиқ.

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг жам бўлиши, айниқса, оила боқувчиси, тарбиячиси бўлган ота-онанинг уйга қайтиши жуда чуқур маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Мазкур фармон айни вақтда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишига ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиши, жамиятда ўз ўрнини топишига ишонамиз.

**Шавкат ЖАВЛОНОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқаруви раиси**

**Беш ташаббус – амалда**

# “ҚИЗЛАР ОВОЗИ” ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Қизлар овози” форуми ўтказилди.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижроси доирасида ташкил этилган форумда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Тошкент шаҳар прокуратураси, “Тадбиркор аёл” уюшмаси вакиллари, маънавият тарғиботчилари, санъат намояндалари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мавзуларига доир маърузалар тингланди.

Форум давомида “Қизлар овози” клубига ўз номзодини қўйган қизларнинг иш режалари ҳақидаги тақдимотлар ҳам кўриб чиқилди. Шунга кўра, энг кўп овоз тўплаган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 3-курс талабаси Анора Бозорова Тошкент шаҳар “Қизлар овози” клубига раис этиб сайланди.

Шунингдек, форум доирасида Тошкент шаҳрида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 10 нафар хотин-қизнинг ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Г.БОБОЕВА**

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА БИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Маълумки, шу йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлар сайлови бўлиб ўтади. Бўлажак сайловнинг **“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ САЙЛОВЛАР!”** деб номланишида ҳам чуқур маъно бор. Чунки янгиланаётган Ўзбекистон халқи катта ва муҳим ўзгаришлар даврида яшаяпти ва буни кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида ҳис қиляпмиз.

Барча соҳаларда бўлгани каби, сиёсий ҳаётимизда ҳам муҳим ўзгаришлар даври бошланди. Одамларнинг ҳуқуқий маданияти ўсди, қонун, қарор ва давлат дастурларига таклифлар билдириб, уларнинг қабул қилинишида фаол иштирок этяпти. “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, “Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, фуқаролар учун хизмат қилиши лозим!”, “Одамлар эртага эмас, бугун ҳам яхши яшашга ҳақли”** каби эзгулик учун хизмат қилувчи тамойиллар кундалик ҳаётимизда ҳақиқий маънода ўз исботини топяпти. Энди сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатлар эскича талаблар асосида ишлашга ҳаққи йўқ! Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, халқ ва давлат манфаатига хизмат қилувчи муҳим ташаббуслари билан фаол иштирок этмоғи лозим.

Бугун жамоатчилик томонидан эътироф этилганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида ҳам ҳақиқий маънода ўзгариш ва янгиланишлар даври бошланди. Сиёсий майдонда қўли баланд бўлиш, одамлар ишончини қозониб, ҳақчил партияга айланиш учун давлат ва жамият фаровонлигига бирдек хизмат қилувчи сайловолди Платформа зарур. Шу маънода, 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган янги сайловолди Платформа электорат, партия фаолиятига бефарқ бўлмаган олимлар, ижодкор, эксперт ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари фикр-мулоҳазаси, таклифлари ҳамда давр шиддати, талаблари инобатга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилиб, мукаммал ҳолатга келтирилди ва яқинда эълон қилинди.

“Миллий тикланиш”нинг энг асосий ғояси аввало жамиятда миллий онг, миллий тафаккурни юксалтириш. Одамларни **“ИНСОННИ ЎЗГАРТИРМАСДАН, ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ”** деган умуммиллий ғоя атрофида бирлаштириб, **“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ”** дадил қадам ташлашга руҳлантиришдир.

Миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат туйғусини ошириш, ҳар томонлама комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо неъмат ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш эса тарихни ўрганишдан бошланади. Инсон ўтмишини билмай туриб ўзлигини топа олмайди. Миллий давлатчилик тарихи, маънавий тараққиётини билмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас. Фақат маънавий қадриятлар орқалигина барча соҳаларда олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли уддалай оламиз ва партия бугун бу борада аниқ стратегияга эга. Шу боис, ЎзМТДП ўз фаолиятида маънавиятга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Хусусан, тилимизнинг Давлат тили мақомини мустаҳкамлайди, ёшлар ахлоқ-одоби, таълим-тарбияси, диний таълимотга алоҳида эътибор қаратади. Янги авлодни тарбиялаш бўйича концептуал дастурлар яратиш каби масалаларни устувор ҳисоблайди. Зеро, **ЮКСАК МАЪНАВИЯТГА ТАРБИЯ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ.**

Албатта, бугун дунёда бузғунчи ёт ғоялар билан суғорилган мафкуравий курашлар кечаётган бир пайтда ёшлар таълим-тарбиясига бўлган эътиборни янада кучайтириш зарурати пайдо бўлмоқда. Шу боис, ЎзМТДП фарзандларимиз таълим-тарбиясини энг асосий вазифа сифатида билади. Чунки инсон ҳаёти одоб-ахлоқ, таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ ва барча замонда бу масалага жиддий эътибор қаратиб келинган. Фарзанд тарбиясига аввало оила, ота-она масъул. Мактабгача таълим муассасаларида таълим эмас, тарбия устуворлик бўлиши зарур. Чунки **ТАРБИЯСИЗ БОЛАГА ТАЪЛИМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ.** Сўнгра бу вазифа мактабда мунтазам ва тизимли равишда давом эттирилиб, олий таълимда ёшларга фақат танлаган мутахассислиги бўйича билим берилиши лозим.



Ким бўлишимиз ва қандай соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъий назар барчамизни ягона эзгу ният бирлаштириб туради, бу — халқимиз фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиш, ёшларимизни она Ватан қадрига етадиган комил инсон қилиб тарбиялаш, маънавий ва миллий қадрият, урф-одатларимиз руҳида ўстиришдир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг ҳақиқий маънодаги вазифасини бажариши, халқ билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ишончини қозониши учун партиянинг юқори органидан тортиб энг қуйи бўғинлари бир мақсад, бир ғоя остида ҳаракат қилиши зарур. **БАХТ ЭСА БИРЛАША ОЛИШДА.**

**ҲУРМАТЛИ САЙЛОВЧИЛАР!** Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси учун сайловда иштирок этиш – бу, энг аввало, ўзининг сайланган вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол иштирок этишни англатади.

Партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайланиши, бу нафақат сайловчиларнинг юксак ишончи, балки Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва Халқ фаровонлиги йўлида фаол ва фидокорона меҳнат қилишга шайланган бўлажак депутатларга берилган имкониятдир.

Партиядан ҳокимият вакиллик органларига кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ушбу 2020 – 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди Дастури ва ундаги ташаббуслар жонажон Ватанимизни биргаликда тараққий эттиришга таклифдир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 – 2024 йилларга мўлжалланган сайловолди Дастурида белгиланган барча йўналишлар бўйича ташаббуслар – бу ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг дебочаси эканинини алоҳида таъкидлаймиз.

Партиямиз аниқ ва самарали натижаларга эришиш учун барчангизни шу азиз ва бетакрор жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бор куч ва билимингизни сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишга, ташаббускор бўлишга чорламоқда.

Биз **“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ”** сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз!

Ишонинг, Ўзбекистон **“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ”** демократик партияси номзодларига берган овозингиз — бу Сизнинг оқилона танловингиз!

Тараққиётга биргаликда борамиз, истиқболни ҳамжиҳатликда барпо этамиз!

**БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ!**

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,**
**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**

# САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ИШОНЧИНИ АЛБАТТА ОҚЛАЙМИЗ



Бугун гувоҳи бўлиб турибмиз, мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, эркинлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Муҳим ўзгаришлардан кўзланган бош мақсад халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, одамларни ўтаётган ҳар бир кунидан рози қилиш орқали жамият ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштиришдир.

Таъкидлаш лозим, янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги ислоҳотлар жараёнида “Миллий тикланиш” демократик партияси ва ундан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари томонидан қилинган амалий ишларга назар соладиган бўлса, ўтган давр мобайнида партия шаҳар кенгашининг фаолияти анчайин самарали бўлди дейишга асосларимиз етарли. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДП сайланган депутатлар томонидан ўтган тўққиз ойида ўндан ортиқ масала олиб кирилиб, барчаси бўйича қарор қабул қилинишга эришилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Депутат билан юзма-юз”, “Уйма-уй”, “Сайёр қабул” лойиҳалари доирасида аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда. Аниқланган муаммолар вакolat доирасида ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоиз, партия Тошкент шаҳар Кенгаши партия Марказий Кенгаши ташаббуси ҳамда мамлактимиз миқёсида ўтказилаётган турли танлов ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритиш билан бирга, мустақил равишда кўплаб муҳим тадбирларни амалга оширди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгашининг ташаббуслари партия Марказий Кенгаши ва тегишли давлат идоралари томонидан қўллаб-қувватланиб, бундай тадбирларни мамлакат миқёсида мунтазам ўтказиш таклифлари билдирилди.

Хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши саъй-ҳаракати билан ўтган йилнинг ёзида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида футбол мусобақаси ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида ўтказилган мусобақада 15-16 ёшгача бўлган ўқувчилардан ташкил топган туман жамоалари иштирок этди. Кучлилар шаҳар босқичида қатанишиб, ғолиб жамоага Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бош совринини топширилди.

Шу ўринда, 5 та ташаббус доирасида ўтказилган яна бир тадбирга алоҳида тўхталиш лозим. Ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишини янада ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, шунинг баробарида бебаҳо неъматимиз — юртимиз Мустақиллиги қадрини янада юксалтиришга қаратилган “Мустақиллик — менинг тасаввуримда” кўрик-танлови ўтказилди.

Дастлаб пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 14-17 ёшдаги ўқувчилари ўртасида шу йилнинг апрель ва май ойларида танловнинг мактаб ва туман босқичлари ўтказилди. Икки йўналиш — шеърият ва рассомчилик бўйича ташкиллаштирилган мактаб босқичида 5 минг нафар ўқувчи иштирок этди. Улар орасидан 500 нафари танлаб олиниб, туман босқичлари ўтказилди. Ғолиб бўлган 22 нафар иқтидорли ўқувчилар эса танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этди. Туман босқичи ғолибларининг она Ватан, Мустақилликни мадҳ этган энг сара шеър ва рассомлик асарлари яхлит ҳолатга келтирилиб, мўъжаз китобча кўринишда икки минг нусхада чоп этилди.

Ўз тарафдорларини “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган улуғвор ғоя остида бирлаштирган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси навбатдаги беш йиллик Дастурида **“ИНСОННИ ЎЗГАРТИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ”, “ПАРЛАМЕНТНИ “ХАЛҚ УЙИГА” АЙЛАНТИРАМИЗ”, “ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ ОШИРАМИЗ”, “УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ЯРАТАМИЗ”, “ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИ БИЗНИНГ ҲИМОЯМИЗДА”** каби мақсадлар устувор қилиб белгиланди. Партиянинг янги Сайловолди дастурида бу ғоялар устуворлик касб этди.

Шу йилнинг 22 декабрга белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлари сайлови партиямиз учун ҳақиқий синов бўлиши шубҳасиз. Шу боис, партия тарафдорлари, айниқса, хайрихоҳ ёшлар бу йилги сайловда **“БИРМИЗ! ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАМИЗ**!” шиори остида бирлашиб, юрт келажагини Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кўтариб чиқаётган эзгу ғояларда кўрмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг VI Съездида Марказий кенгаши раиси таъкидлаганидек, **инсонийликка хос эзгу мақсадларни устувор билган “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловда муваффақиятли иштирок этиб, партия учун овоз берган сайловчиларнинг ишончини албатта оқлайди.**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга кўрсатилган номзодларга овоз беринг.

**Васила ФАЙЗИЕВА,**
**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДОИМО СИЗ БИЛАН БИРГА!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун сайловларга ҳам тобора яқинлашиб боряпмиз. Унинг натижалари сайловчиларнинг танлови билан бирга сиёсий партияларнинг жиддий синовга қай даражада тайёргарлик кўргани, Сайловолди дастурининг нақадар халқчиллигига ҳам боғлиқлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов кампаниясига киришар экан, вакиллик органларида кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллашни, шу орқали қонунлар қабул қилиш, давлат ҳокимияти ижро органларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва самарали амалга ошириш имкониятларига эга бўлишни мақсад қилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида биринчи галда мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатламлари, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражасини ошириш, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, таълимда ижтимоий тенгликни таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари ва таърифлари норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги учун ушбу нархларни шакллантириш устидан қатъий давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, меҳнатга лаёқатли фуқароларни ижтимоий нафақалардан юқорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлашга эътибор қаратилган.

Партиямиздан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг Сайловолди дастурларида илгари сурилган ғоя ва таклифлар ҳам ана шундай каби чуқур ҳаётий асосларга эга. Энг муҳими, юқорида келтирилган ҳар бир йўналиш барчамизнинг оиламиз, яқинларимиз турмуши фаровонлигига хизмат қиладиган омиллар ҳисобланади.

**Биз уй-жой ва коммунал хизматларининг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш тарафдоримиз!**

Аҳолининг яхши яшаши ва муносиб шарт-шароитда умр кечиришида коммунал соҳа ривожининг аҳамияти беқиёс. **50-Минор сайлов округи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатликка номзод Нигора Эшметова** Сайловолди дастурида бу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Кейинги йилларда коммунал хизматлар соҳасида кўпгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Соҳада хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошгани ҳам қувонарли, албатта. Ислоҳотларни, ўзгаришларни фуқаролар ҳис этишмоқда, натижалардан мамнун бўлмоқда, эътироф этмоқда. Хусусан, Юнусобод туманида эксперимент тариқасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарув компанияларига бириктирилди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳудудда 1208 та кўп қаватли уй, 303 та 62520 хонадондан 245 ХУЖМШ, 969 та кўп қаватли уйлар, 49956 хонадон бошқарув компаниялари билан шартнома имзолаган. Кўп вақт ўтмай Чилонзор туманида ҳам кўп қаватли уй-жойларни бошқарув компанияларига бириктириш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Лекин аҳоли орасида ҳамон коммунал хизматлардан тўлақонли қониқиш ҳосил қилгани йўқ. Буни давра суҳбатлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашув ва очиқ мулоқотларда одамлар очиқ айтяпти. Уйма-уй юрганимизда бунга ўзимиз ҳам амин бўляпмиз. Айниқса, коммунал тўловларда айни бир меъёр белгиланмагани, бунинг оқибатида истеъмолчилар турли миқдорда тўлов тўлаётганидан аҳоли норози бўлмоқда. Нархларни асоссиз оширилиши ҳам кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётгани сир эмас.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Халқ демократик партияси дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини арзон уй-жой билан таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.

Эҳтиёжманд оилалар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва яшаш шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қурилаётган арзон уй-жойлар сонини кўпайтириш лозим. Шунингдек, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиётини такомиллаштириш ҳам яхши самара беради, — дейди номзод Нигора Эшметова.

**20-Толарик сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатликка номзод Шодия Аюпованинг** Сайловолди дастурида ҳам коммунал соҳадаги масалаларга алоҳида урғу берилган.

— Қиш мавсумига ҳам етиб келдик. Сайловолди ташвиқоти мобайнида сайловчилар асосан коммунал тўловлар ҳамда иситиш тизими борасида бўлаётгани табиий. Сайловолди дастуримизда бу борада аҳолига манзур келадиган, уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб қатор масалалар киритилган. Масалан, марказлашган иситиш ва иссиқ сув таъминотини, маиший чиқиндиларни олиб кетиш ва утилизация қилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарни табиий монополияси бўйича қонунчилик меъёрларини кўриб чиқишни таклиф этаяпмиз. Шунингдек, коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларини қоплаш мақсадида, нарх-наво ва тарифлар оширилиши ҳолатларига йўл қўймаслик учун маълумотлар очиқлигини таъминлаш ҳамда коммунал хизматлар тарифлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз уй-жой фондини – коммунал хизматлар етказиб берувчи ташкилотлар ҳисобидан замонавий электр энергия, табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ҳисоблаш асбоблари билан тўлиқ таъминлашни таклиф этяпмиз. Шу билан бирга коммунал хизматлар учун барча ўлчов асбобларини етказиб берувчи ташкилотлар балансига ўтказиш ҳамда уларнинг зиммасига асбобларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва мунтазам текшириш вазифасини юклаш керак, — дейди номзод Шодия Аюпова.

**Биз жамиятнинг ҳар бир аъзосига саломатлигини мустаҳкамлаш учун тенг имкониятлар яратиш тарафдоримиз**

Мамлакатимизда тиббиёт ҳам жадаллик билан ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Айни вақтда энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари, хасталикни барвақт аниқлаш, тез тиббий ёрдам йўналишларида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, соҳада моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кундан-кунга ортмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу стратегик йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолининг кам таъминланган қатламларига бепул тиббий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хавфи бор касалликларни даволаш ва олдини олиш муҳим, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партиямиз ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали аҳолининг заиф қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиб келмоқда.

Партиямиз бу борада илгари сурган ғоя ва мақсадлардан келиб чиқиб, депутатликка номзодларимиз ҳам Сайловолди дастурларида бир қатор таклифлар билан чиқишяпти. Масалан, **47-Гулобод сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатликка номзод Муқаддас Раҳматуллаева** Сайловолди дастурида аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича муҳим масалалар ўрин олган.

Ҳозирда номзодимиз қўйилган сайлов округида 35 254 нафар сайловчи бор. Улар билан учрашувлар давомида одамларни ўйлантираётган, соҳада ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилаётган 340 минг нафардан зиёд аҳолига 9 та оилавий поликлиника, 1 та тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси, 1-шаҳар клиник шифохонаси, шаҳар перенатал маркази, 1 та болалар клиник шифохонаси, шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази, 1 та болалар юқумли касалликлар шифохонаси, 1 та болалар стоматология поликлиникаси, тез тиббий клиника шифохонаси хизмат кўрсатмоқда. Депутатликка номзод уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

**16-Ҳумоюн сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатликка номзод Ҳабибулла Акилов** ҳам ўз Сайловолди дастурида тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор қаратган.



Номзод мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбааларидан қатъий назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайди. Шунингдек, тегишли мажбурий тиббий суғурта механизмларини қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифларни илгари суриш ва парламентдаги фракцияси орқали қонунчилик ташаббуси билан чиқиш зарур, дейди номзод.

Шуни таъкидлаш керакки, барча тиббиёт муассасаларида кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун юқори технологияли тиббий хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказиш керак. Аҳолининг алоҳида тоифаларига ажратиладиган дори воситалари, протез-ортопедия воситалари ва бошқа тиббий-ижтимоий ёрдамни имтиёзли тақдим этиш тизимини такомиллаштириш, бу борада самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш яхши самара беради, дейди номзод.

**Биз ҳамма тенг равишда таълим олиши тарафдоримиз!**

**Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир.**

Ўтган йиллар давомида юртимизда таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Партиямиз фикрича, Ўзбекистон ХДП таълимда ижтимоий тенгликни таъминлаш мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари учун бўлиб ўтаётган сайловга партиямиз томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар ҳам ушбу қарашни илгари сурмоқда.

**60-Ракат сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатликка номзод Зебихон Зиямуҳаммедова** бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган давлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва келгусида 3-6 ёшдаги болаларни мажбурий мактабгача таълим билан қамраб олиш зарур, деган таклиф билан чиқмоқда. Бу таълим сифатини оширишда, боланинг жамоа олдида ўзини тутиши ҳамда тезда мулоқотга киришишида алоҳида аҳамиятга эга.

— Мактабгача таълим муассасалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясида катта роль ўйнайди. Боғча фарзандларимизнинг ақлий салоҳиятини ошириш, бошқалар билан муоммала қилиш маданиятини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг тарбияси учун ўзига хос мактаб вазифасини бажаради. Лекин очиғини айтиш керак, бир оилада ҳам ота, ҳам она ишлашига тўғри келадиган вазиятлар бўлади. Бу ҳолат асосан ёш оилаларда кўзга ташланади. Она ишлайман деса, боласига қарайдиган одам йўқ. Ишламай деса, у ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, мактабгача таълим муассасаларида 3 ёшдан кичик болалар учун махсус тарбия гуруҳларини ташкил этиш керак, деб ҳисоблайди. Мазкур таклиф амалиётга жорий этилган тақдирда, кўплаб опа-сингилларимизни ўйлантираётган масала ўз ечимини топади, дейди номзод.

**144-Дўмбиробод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод Феруза Мадрахимованинг** Сайловолди дастурида ҳам таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим ва ҳаётий таклифлар ўрин олган. Унга кўра, ногиронлиги бўлган болалар учун махсус адабиёт ва қўлланмалар, жумладан овоз жўрлиги билан Брайль алифбоси асосида адабиётни чоп этиш ҳамда харид қилиш, соҳа ўқитувчиларига имтиёзлар жорий этишни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш, бу мақсадлар учун харажатларни давлат бюджети маблағлаштириш таклифларини киритди.

Кўриниб турганидек, номзодларимиз дастурларида қайд этилган устувор йўналишларнинг рўёбга чиқиши мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

**Ҳурматли сайловчилар! Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз.**

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси**
**Тошкент шаҳар Кенгаши**
**Ахборот хизмати**



# ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ ДАВЛАТИМИЗ МАДҲИЯСИ САДОЛАРИ ОСТИДА ЎТДИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилди. 2007 ҳамда 2009 йилда туғилган ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, “Хондамир” маҳалла фуқаролар йиғини ва 38-умумтаълим мактабининг 12-13 ҳамда 10-11 ёшли ёш футболчилардан иборат жамоалари, жами 6 та жамоа иштирок этди. 38-умумтаълим мактаби стадионида бўлиб ўтган мусобақа Давлатимиз мадҳияси садолари билан бошланди. Ҳар икки ёш тоифасидаги беллашувлар қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Ўзаро ўйин натижаларига кўра, 2007 йилда туғилган жамоалар ўртасидаги беллашувда финалга “Хондамир” маҳалласи ва Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2009 йилда туғилган ёшлар ўртасида эса 38-умумтаълим мактаби ва Учтепа тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоалари йўл олишди.

12-13 ёшлилар баҳсининг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд этилиб, ғолиб пеналтилар сериясида аниқланди. Мазкур омад баҳсида “Хондамир” маҳалласи жамоасига омад кулиб боқиб, рақибларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. 10-11 ёшлилар баҳсида эса 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ,**
**ЎзА**

## Футбол янгиликлари

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ VAR ТИЗИМИ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

***Маълумки, миллионлар ўйинини томошабинбоплигини таъминлаш, учрашувларни шаффоф ўтишига эришиш мақсадида аллақачон халқаро турнирларда VAR тизимидан фойдаланилмоқда.***

Мамлакатимизда VAR тизимини йўлга қўйиш, ундан самарали фойдаланиш бўйича ФИФА, ОФК, ЎФА ҳамда ИФАБ мутахассислари иштирокида пойтахтимизда семинар ташкиллаштирилди. Унда ушбу тизимни 7-12 ой ичида йўлга қўйиш талаб этилиши, бунда 3 босқичли вазифалар амалга оширилиши лозимлиги иштирокчилар томонидан таъкидлаб ўтилди. Яъни, дастлаб VAR провайдери билан ҳамкорлик натижасида тизимда ишлайдиган мутахассислар, видеооператорлар ўқитилади. Стадионлар VAR тизимидан фойдаланиш учун мослаштирилади, ҳакамлар малакаси оширилади. Якуний босқичда футболчилар, мураббийлар ва соҳа жамоатчилигига бу тизим бўйича зарур маълумотлар тақдим этилади. Мазкур ишлар тўлиқ амалга оширилганидан кейин, яъни 2021 йилдан эътиборан Ўзбекистонда VAR тизимидан фойдаланилади.

# “ЛОКОМОТИВ” БОШ МУРАББИЙСИЗ ҚОЛДИ

***Пойтахтимизнинг етакчи жамоаларидан бири “Локомотив” мавсум якунида вақтинча бош мураббийсиз қолди.***

Гап шундаки, жамоа бош мураббийси Самвел Бабаян “Локомотив”дан кетди. Энди Бабаян хориж клубларидан бирини бошқаради. “Локомотив” жамоасига яқин кунларда бошқа бир мутахассис бошчилик қилади.

# ЁШ ҲАКАМЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

***ЎФА Ҳакамлар департаменти ташаббуси билан уюштирилган семинарда ёш жамоалар иштирок этишди.***

Мамлакатимиз футболини янада ривожлантириш, учрашувларнинг томошабоп ва қизиқарли ўтишини таъминлаш ҳакамларнинг маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу мақсадда уюштирилган семинарда амалий машғулотлар воситасида ҳакамларнинг жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Иштирокчилар ўйиндаги вазиятлар бўйича тўплаган билимларини видео-тест жараёнида тажрибали мутахассисларга намойиш этишди. Якунда ёш ҳакамларга ҳакамликни эгаллаш мақсадида бажариладиган вазифалар борасида ЎФА биринчи вице-президенти Равшан Эрматов маслаҳатлар берди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТНИ КЕМИРУВЧИ ИЛЛАТ

***Коррупция маълум вақт давом этадиган ёки маълум бир соҳада яшайдиган ҳодиса эмас. У катта ва кичик, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар барча давлатларда учрайди. Шу сабабдан, бу иллатнинг илдизини қуритиш учун дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишлар амалга оширилмоқда. Коррупция сабаб жамият инқирозга юз тутади, фуқаролар ўртасида норозилик кучаяди, ноҳақликлар кетидан порахўрлик авж олади, ижтимоий тенгсизлик ҳукм сура бошлайди.***

Аслида коррупция бирор мансабдор шахснинг қонунчилик ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар мақсадида фойда олишидир. Атама, энг аввало, сиёсий аппарат ходимларига нисбатан фойдаланиши одатий тусга кирган. Иқтисодчи Бэрдҳеннинг фикрига кўра, макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичига энг катта салбий тўлқинни олиб кирувчи омил айнан коррупция ҳисобланади. Унинг кўринишлари турлича бўлиши мумкин: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, непотизм ва ҳ.к.

Юртимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳисобланади. Ушбу Фармон билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” ҳам тасдиқланган эди. Давлат дастурида коррупция бўйича қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши белгиланган:

· аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

· давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

· коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

· коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик.

Масъул ижрочилар томонидан дастур доирасида жойларда тадбирлар, семинар-учрашувлар ташкил этилмоқда ҳамда фуқаролар билан коррупция бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги замоннинг энг долзарб мавзуларидан бирига айланган коррупцияни амалда қилиниши керак бўлган ишлар билангина енгиш мумкин. Бунинг учун халқ ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатларда адолат ўрнатилиши, амалдорлар халқнинг ишончини оқлай олиши, жамиятда порахўрликдай иллатга бутунлай барҳам берилиши лозим. Тарихий маълумотларга кўра, коррупцияга қарши кураш илк бор қадимги Месопотамия давлатининг Лагаш деган шаҳрида бошланган экан. Аммо бу кураш самарасиз якун топган. Коррупциянинг нақадар хавфли иллат эканлигини билган жаҳон ҳамжамияти бунга қарши курашда давом этмоқда. Айрим давлатларда коррупция ботқоғига ботган амалдорларга нисбатан ўлим жазолари белгиланган.

Коррупция атамасини эшитишимиз биланоқ кўз олдимизга “бир қўлнинг пора бергани ва иккинчи қўлнинг пора олган” ҳолати келади. Бу эса – порахўрлик! Порахўрлик билан азал кураш олиб борилади. Ушбу иллат тўғрисида ҳаттоки қомусий асарлар ҳам битилган. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг замондоши, подшоҳ Ҳусайн Байқаронинг воизи Ҳусайн воиз Кошифий ўзининг “Ахлоқи муҳсиний” асарида шаҳзодага насиҳат тариқасида қуйидаги пандни берган: “Уммоллардан (иш юритувчи амалдорлар) пора олишдан эҳтиёт бўлсин. Билсинки, то бир киши бошқалардан пора олмаса, бошқага пора бермайди. Агар вазир пора олишга сабаб бўлса, пора олишга рухсат берган бўлади. Пора бериш ва пора олиш ҳаромдир. Ва пора олган пора бергандан ёмонроқ бўлади, чунки олувчи берувчи олдида забун бўлади”. Минг йиллар аввал воиз Кошифий тилидан айтилган ушбу жумлалар бугунги кунда ўз исботини топаётгани барчага маълум. ОАВда коррупция билан боғлиқ материаллар деярли кунда кунора ёритиб борилмоқда. Порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик каби коррупциянинг иллатларидан йироқ бўлиш, бундай ҳолатларнинг сабабчиси бўлиб қолмасликнинг олдини олишимиз лозим. Бирдамлик ва биргаликда ҳаракат қилинган ҳар қандай фаолият ўз самарасини кўрсатади. Шундай экан, коррупция деган зарарли иллатни илдизи билан қуритиб юбориш ҳар биримизнинг вазифамиз!

**Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

## Реклама ва эълонлар

IPAK YO‘LI BANKI

***“Ипак Йўли” акциядорлик инновацион тижорат банки***

**юридик шахслар учун эркин пул маблағларини депозит сертификатларига жойлаштириш учун қулай шаклни таклиф этади. Депозит сертификатларининг умумий чиқарилиш ҳажми 9,5 млрд. сўмни ташкил этади. Айланма муддатлари ва фоиз ставкалари қуйидагича:**

| № | Айланма муддати (ой) | Ишлаб чиқариш фоиз ставкаси (йиллик %) |
|---|---|---|
| 1 | 6 – 12 ой | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси плюс 2% |
| 2 | 13 – 24 ой | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси плюс 2,5% |
| 3 | 25 – 36 ой | Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси плюс 3% |

**Чиқарилган депозит сертификатларнинг номинал қиймати ва сони қуйидагича:**

| Номинал қиймати, сўм | Миқдори, дона | Умумий миқдори, сўм |
|---|---|---|
| 100 000 000 | 5 | 500 000 000 |
| 500 000 000 | 8 | 4 000 000 000 |
| 1 000 000 000 | 5 | 5 000 000 000 |
| **Жами:** | **23** | **9 500 000 000** |

**Депозит сертификатлари бўйича фоизлар ҳар ой тўлаб борилади.**

***Маълумот учун телефонлар: (78) 140-69-44, 140-69-45.***
***Қимматли қоғозлар бўлими.***

*Хизматлар сертификатланган.*

“CLASS TRADING” МЧЖ (СТИР 304077906)га тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент кимё-технология институти томонидан Хамидуллаев Нодирбек Хасан ўғли номига 2018 йилда берилган В № 985468 рақамли диплом кўчирмаси ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан М.Улуғбек тумани, Нодира кўчаси, 16-уй, 32-хонадон учун Зайнутдинов Хасан Шарипхожаевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Расулова Назира Абдузахидовна номига берилган 9-синфни битирганлиги ҳақидаги А № 519858 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Юнусобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, Гуллола 3-тор Гисарский кўчаси, 36-уй учун Расулов Тургун номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 192-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1984 йилда Зияев Равшан Ташпулатович номига берилган № 305584 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2016 йилда Умарова Лайло Латифхон қизи номига берилган К № 4465500 рақамли, рўйхат рақами 849 бўлган диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **13 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 2-4, кундузи – 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1246
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5